

Якинда шоир дўстлардан бири ўзини нуфузли деб биладиган газеталаримиздан бирига туркум шеърларини тақдим килибди. Бир пайт шоирнинг "касаллик варакасини" ўқиб чиккан мухаррирнинг ковоги ўюлиб: "Шеърларингиз анча тушкун. Сиз ватан хакида шеър ёзиб келинг", дебди...

Хўш, шунга нима килибди дерсиз? Хеч нарса килгани йўк. Факат бечора шоир ватан хакида шеър ёзиб боролмади. Натижада "тушкун" шеърлар стол тортмасидан жой олди. Демак, стол тортмаларида шеърлар, маколалар яна биттага кўпайди.

Мен шоирга маслаҳат бердим: "Сиз, яхшиси ўзингиз битта газета очиб олинг, шунда хоҳлаган шеърларингизни чоп килиш имкони бўлади". Шоир хозиржавоблик килди: "Вактим йўк!" Хурсанд бўлиб кетдим. Яхшиямки унинг вакти йўк экан. Агар вакти бўлганида шу девона хам битта газета очиб Бош мухаррир бўлиб оларди. Чунки бугунги бозор иктисодиёти шароитида хар хил уйдирма ёлгондан иборат газета чикариб, сўзфурушлик килиш билан эфирга чикиб хиргойи килишдан осонрок иш колмади.

Якинда хамкаслардан бири писанда килиб колди: "Сиз бу кўлбола газеталарнинг устидан кулманг, уларнинг тиражи анави куруксавлат газеталарингиздан энг камида икки марта кўп". У хак эди. Лекин мен унга ёлгоннинг харидори кўп бўлиши табиийлигини, шунинг учун бундай натижадан кувониш шарт эмаслигини айтмадим. Чунки унинг: "Унда ростгўй газетангни кўрсат" деб колишидан кўркдим.

Ўтган йилларда матбуот сахифаларида мамлакатимизда тутруксиз FM радиоканаллари болалаб кетганлиги, бу холат ёшларимизни гипноз килиб кўяётгани хакида туркум танкидий маколалар чоп килинди. Бу хил танкидий чикишларнинг самараси ўларок эндиликда тутуруксиз кўлбола газеталар хам урчиб бормокда. Начора, бозор иктисодиёти. (Яхшиям шу баҳона бор!) Лекин... хар калай, маънавиятнинг бозорга чикиши...

Кўпчилик ўтган йили "Давлат сирларини саклаш" инспекциясининг тугатилишини матбуотнинг сўнгги йиллардаги энг катта ютуғи деб баҳолади. Аслида хам бу ўзгариш матбуот учун оламшумул ходиса эди. Лекин бу ходиса канчалик кутилмаганда содир бўлган бўлса, шунчалик кутилган натижаларни берди. Чунки энди "чўмич" ўзида колган мухтарам Бош мухаррирларимизни столдан ажралиб колиш туйгуси таъкиб кила бошлади. Аслида бу кўркувнинг хам асоси йўк эмас эди. Натижада, шакллар ўзгарди, мазмун эса эски либосида колаверди.

Тўгри, бугуни матбуотнинг нуксонларига факатгина Бош мухаррирларнинг журъатсизлиги сабаб, дейиш адолатдан эмас. Чунки бугун мутлако ўзига хос фикр айта оладиган, янгича мулоҳазаларни ўртага ташлайдиган ижодкорларимиз жуда кам. Борлари хам негадир ўзларини "саклайтилар". Албатта, бу холнинг хам ўз сабаблари бор. Масалан, дейлик, мен халк таълимига тегишли бирор муаммони кўтариб чикмокчи бўлдим. Маколани бошлашдан олдин ўйлайман: шу билан нима ўзгаради? Ростдан хам шу харакатларимдан бирор натижа чикадими? Мана менинг цензурам! Чунки бутун амалиёт шуни кўрсатяпти, онда-сонда бўлса-да, матбуотда кўтарилаётган муамолар хеч кимни кизиктирмаяпти. Аксинча, муаммо бир чеккада колиб, шу масалани кўтариб чиккан мухбирнинг бошида калтак синади.

Хуллас, нима бўлганда хам шуниси маълумки, матбуот яна харидорсиз колаяпти. Ана шундай бир вазиятда телевидениега бўлган эхтиёж бир кадар ортиб бормокда.

Телевидениемиз эса том маънода ахлоксизликни тарғиб килаётган телесериалларни

намойиш килиш билан овора. Якиндагина "Эсмеральда" деганидан кутулган эдик. Шу кунларда эса "Узбекистон" телеканали оркали "Камилла" номли сериални халкимиз, айникса, ёшларимиз "мирикиб" томоша килаяптилар. Отанинг кизига кўшмачилик килаётгани-ю, битта эркакка талашаётган она-боланинг саргузаштларини оғзидан сўлаги окиб томоша килаётган укангга караб раҳминг келади. Бир келиннинг бутун бошли оиласдаги эркакларни "таъминлаётгани"ни кўриб ўтирган синглингнинг олдида ўзингни каерга кўйишингни билмай коласан ("Мухаббат қахваси" сериали назарда тутилмокда). Энг даҳшатлиси, улар бу манзаралар кархисида килт этмайдилар, кизармайдилар. Шунда беихтиёр фаранг шоирининг "Кимдаки кизариш кобилияти бўлса унга ишониш мумкин", деган гаплари ёдингга тушади. Лекин бу аччик ҳакикатлар канчалик сени изтиробга солмасин, барибир уканг билан синглингни "асрай олмайсан". Чунки биз бутун чет эл сериалларини кўятурайлик, ўзимизнинг-да миллий санъатимиз ва ахлокимиз мезонлари андак ўзгаргандай. Икрорим шулки, ўтган хафта давомида "Ёшлар" телеканалида "Кайтмас" номли... (кечирасизу, фильм дейишга тил бормайди) намойиш этилди. Бири-биридан бачкана хатти-харакатлару туфуклаб ёпишириб кўйилган воеалар тафсилотига тўхталиб ўтиришнинг хожати хам йўқ. Факат бир гапни айтмасак бўлмас.

Томоша килаяпмиз: ошик йигит яхши кўрган кизини учрашувга таклиф килиш учун унинг уйига келди. Бахтсизликни карангки, йигит кизга энди "сигнал" бераётганда бўлгуси кайнотанинг кўлига тушиб колди. Кайнота куёвни таппа босди. Шунда каердандир Кайтмасбой келиб, уларни муросага чакирди: "Хурсанд бўлинг, кизингизнинг шундай келишган ошиги бор экан", деди. Ота хурсанд бўлиб кетди. Хатто ошик йигитдан кечирим хам сўради. Провардида "куёв"га насхат килди: "Сен кизимга бунака якин жойда эмас, узокроқда хиралик килгин".

Эшитяпсизми, нахотки шу ўзбекнинг гапи бўлса? Нахотки, биз шу даражага келиб колган бўлсак? Келганда кандок! Бугун биз да бу хил гап-сўзларга, воеаларга нисбатан кўникум пайдо бўлди. Кечкурунлари бола-чака билан дастурхон атрофида ўтирганингизда экранда хонанда опамиз пайдо бўладилар: "Бахтиёрман тушларимда ковушиб, Бир караб ўтинг бизга лейтенант". Ортидан иккинчиси чикиб келади: "Сизни канча севсам хакким кетмайди, Акажоним, акам ўзингиз бўлас". Бу "классика" хиргойиларини хазм килиб улгурмай, учинчиси чикади. Кархисидаги сулувгина жувонга тикилиб: "Биламан, каерда холинг бор, Кўнглингда нима бор билмайман", дейди. Ер ёрилмайди-ю, ерга кирмайсан. Билмадим, бу "асар"лар кандай килиб миллионлар сахнасига чикиб келяпти? Балки буюк Гёте ҳакмикин-а? Эшитгандирсиз, унга: "Энг кийин нарса нима?" деб савол беришганида: "Кўз олдингда турган нарсаларни кўришдир", деб жавоб берган экан.

Ўрни келганда яна бир гапни айтиб кўяйлик. Биласизми, Распутин нима деган? "Агар Пушкин энагаси Арина Родионовнанинг мунгли аллаларини эмас, бугунги эстрадани тинглаб улгайганида эди, Пушкиндан Пушкин эмас, Дантес чикарди". Хўш, бизнинг бугунги эстрадамиз пушкинларни тарбияляптими, дантесларни? Худо кози бўлсин! Чунки бу хакда ёзишдан армон колмади. Хатто хаммани хурсанд килиб, телевидениенинг ўзида хам шу муаммога багишланган маҳсус кўрсатувлар ўюштирилди. Ана шу кўрсатувлардан бирида телевидение раҳбарларидан бири шундай пурмъно гапларни гапирдики, беихтиёр: "Ана энди кунларингни кўрасанлар", дедик. Лекин... кўрсатув якунланиши билан хозиргина авра-астари чикариб танкид килинган "санъат асар"лари яна экранни забт этди.

Ачинарлиси шундаки, ана шундай бир вазиятда халкимиз, ёшларимиз маънавияти учун масъул идоралар негадир сукут саклашмокда. Вахоланки, бу сукунат эртага кимматга тушиши мумкин. Баъзан хайрон коласан, матбуотда озгина танкидий фикр айтиб кўйсанг бас, дарров суриштириш бошланади. Сени кора кўзойнакли одамга чикарадилар.

Пессимизмда айблаб коладилар. Лекин биз хозиргина таъкидлаб ўтган холатлар учун, яъни савиясизлик учун хеч ким жавоб бермайди. Шунинг учун хам бугун кўрсатув тайёрлаётган ёки макола ёзаётган журналист кўпам ўзини кийнаб ўтирумайди. Албатга, у гапни мустакиллик шарофати-ю, тоталитар тузумнинг кирдикорларидан бошлайди.

Тан олайлик, бутун республикамиз оммавий ахборот воситаларида тайёр колиплар пайдо бўлди. Бўлар-бўлмасга миллат, мустакиллик, ватан хакида баландпарвоз гапларни гапираверамиз. Ватан хакида шу кадар кўп ёздики, окибатда, бу тушунча бизнинг бошка туйгуларимиз янглиг сийкалашиб колди. Бу тарздаги ошкора ва оммавий "ватанпарварлик" кишига бироз эриш туюлади.

Дарҳакикат, бутун дунё ўзгаряпти. Шу билан бирга юртимиизда маънавий тикланишлар силсиласи кечмокда. Бу янгиланишлар шиддати эса одамларимиздан жаҳонга очик кўз билан карашни, тафаккур килишни талаб этмоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёсдир. Шундай экан, бу масъулиятни бугунги ижодкорларимиз янада чукуррок хис килишлари лозим бўлади.

"Моҳият" газетаси, 2003 йил, 7 февраль